

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАХОДЖАЕВ ХАЙРУЛЛА СУННАТУЛЛАЕВИЧ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АЙЛАНМА СУВЛАРИНИ
ҚЎЗГАЛУВЧАН ҚАТТИҚ НАСАДКАЛИ МАВҲУМ ҚАЙНОВЧИ
ҚАТЛАМДА СОВИТИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Исаходжаев Хайрулла Суннатуллаевич

Саноат корхоналарини айланма сувларини кўзгалувчан қаттиқ
насадкали мавҳум қайновчи қатламда совитиш..... 3

Исаходжаев Хайрулла Суннатуллаевич

Охлаждение оборотной воды промышленных предприятий в
псевдоожигенном слое с твердой подвижной насадкой..... 23

Isakhodjayev Khayrulla Sunnatullayevich

Cooling of circulating water in industrial enterprises at the imaginary
liquefied layer with a solid movable filling..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА «ИЛМИЙ-
ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАХОДЖАЕВ ХАЙРУЛЛА СУННАТУЛЛАЕВИЧ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АЙЛАНМА СУВЛАРИНИ
ҚЎЗГАЛУВЧАН ҚАТТИҚ НАСАДКАЛИ МАВҲУМ ҚАЙНОВЧИ
ҚАТЛАМДА СОВИТИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/413 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Захидов Ромэн Абдуллаевич
техника фанлари доктори, профессор,
академик

Расмий оппонентлар:

Искандаров Зафар Самандарович
техника фанлари доктори, профессор

Короли Мехрия Анваровна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Иссиқликэлектрлойиха» АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: tstu_info@tdtu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 227-03-41.)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

Д.Н. Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида саноат корхоналарида технологик жиҳозларни совитишда электр энергияси сарфини камайтириш ҳамда саноат корхоналарининг айланма сувларини совитишда ва турар жойларда, ишлаб-чиқариш объектларида ҳавони мўтадиллаш тизимларида мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратларини ишлатиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, ривожланган мамлакатларда янги технологияларни қўллаш орқали «саноат корхоналарида кенг қўлланиладиган градирнялар ёрдамида янги тўлдирувчи сувни 95% гача истеъмолини камайтиришга эришилган»¹. Бу борада, жумладан жаҳон амалиётида совитилувчи сувнинг ҳароратини, ташқи ҳавонинг тўйиниш ҳароратигача совитиш учун мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратларини ишлатиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда ва ўз навбатида мазкур соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда саноат корхоналарида айланма сувларни совитиш, ишлаб чиқаришда иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, айланма сув таъминоти тизимида ва ҳавони мўтадиллаш тизимларида конструктив ва иш режим параметрларини моделлаштириш, энергия истеъмоли сарфини камайтириш, қурилмага сарфланадиган ресурсларни ва унинг ўлчамларини қисқартириш, совитилувчи сувнинг ҳароратини, ташқи ҳавонинг тўйиниш ҳароратигача совитиш учун уни мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратларини қўллаш ҳамда мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмасини конструкциясини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга энергия тежамкор совитиш қурилмаларининг оптимал тавсифларини аниқлаш айланма сувларни совитишда долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини сифат жиҳатидан тубдан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник ҳамда технологик даражасини янгилаш, жумладан сувларни совитиш ва ҳавони мўтадиллаш тизимларидаги технологияларни такомиллаштиришга ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...яқин келажакда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимларини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ... »² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан саноат корхоналарида айланма сувларни совитиш

¹ <https://ec.europa.eu/programmes/horizon2020/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

линияларида ва ҳавони мўътадиллаш тизимларида энергия тежамкор қурилмаларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчан энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Бугунги кунга қадар уч фазали мавҳум қайновчи қатламларнинг гидродинамика режимларини ҳисоблаш, ҳавони маромлаш тизимлари бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Hydraulic Engineering and Water Resources Management (Германия), Polytechnic University of Turin, Sapienza University of Rome (Италия), Миллий тадқиқот университети «МЭИ», Санкт-Петербург давлат политехника университети (Россия), Тошкент давлат техника университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Фарғона политехника институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Иссиқлик масса алмашинув жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилган назарий ва илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар Гельперин Н.И., Гришко В.З., Савченко В.Н., Пономаренко В.С., Арефьев Ю.М., Adamics Y., Strumillo C., Eleniev D., Kolev A., Кхафаджи Х.К., Кокорин О.Я., Гельперин Н.И., Карлович В.К., Коваль Ж.А., Беспалов А.В., Кулешов О.Г., Новиков В.И., Бляхер Н.Г., Живайкин Л.Я., Юровская Н.А. ва бошқалар ҳисса қўшганлар. Саноат корхоналарида айланма сувларни совитишда иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини жадаллаштириш борасида ўзбек олимлари Р.А.Захидов, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Аскарлов, Р.Р. Аvezов, Д.Н. Мухиддинов, С.М. Турабджановлар ва бошқа олимлар томонидан ҳам бажарилган. Сезиларли муваффақиятларга қарамай, таклиф қилинган уч фазали мавҳум қайновчи қатламларнинг гидродинамик режимларини ҳисоблаш учун бир қатор тенгламалар кичик аниқликда ва тажриба натижалари маълум даражадаги хатоликларга эга, ҳамда уч фазали мавҳум қайновчи қатламда айланма сувларни совитиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда, содир бўлувчи гидродинамик ва

иссиқлик жараёнларини таҳлил қилиш ва ҳавони мўтадиллаштириш тизими учун, қурилманинг рационал технологик параметрлари, совитилган сув ва ҳавонинг параметрларини аниқлаш учун математик модел ишлаб чиқилган ва уларни такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва “Илмий–техника маркази” масъулияти чекланган жамияти илмий тадқиқот режасининг №АЗ-ФА-0-15754 “Ишлаб чиқариш объектларини иссиқлик - совуқлик таъминоти тизимлари учун янги услубларни ва ечимларини ишлаб чиқиш” (2013-2015 йил) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уч фазали мавҳум қайновчи қатламда содир бўлувчи гидродинамик ва иссиқлик жараёнларини моделлаштириш ҳамда ва ҳавони мўтадиллаш тизимларида айланма сувларни совитиш учун қурилманинг рационал технологик параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавҳум қайновчи қатлам гидродинамикасини аниқлаш учун тажриба қурилмасини яратиш;

буғлатиб совитиш қурилмаси мавҳум қайновчи қатламининг гидродинамик қаршиликларини аниқловчи ифодаларни ишлаб чиқиш;

айланма сувларини совутиш жараёнини назарий таҳлил қилиш ва математик моделини ишлаб чиқиш;

буғлатиб совитиш қурилмасида, мавҳум қайнаш қатламини ҳосил қилиш ва қатламнинг тикилиб қолувчи ҳаво оқими тезликларини, мавҳум қайновчи қатламнинг кенгайишини жараёнини аниқлаш;

мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб-совутиш қурилмаларини ишлаш шароитини тадқиқ этиш, мавҳум қайновчи қатламда ушлаб туриладиган сууқлик миқдорини аниқлаш;

ҳавони мўтадиллаш тизимлари учун буғлатиш камерасидан чиқаётган ҳавонинг параметрларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида саноат корхоналарининг кичик қувватли буғлатиб совутиш қурилмалари ва бинолардаги ҳавони мўтадиллаш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети саноат корхоналарининг кичик градирняларда ва ҳавони мўтадиллаш тизимларида айланма сувларни совитиш қурилмалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида айланма сувларни совитиш усулларида, математик статистика ва иссиқлик масса алмашинув жараёнларини моделлаш, иссиқлик ҳолат параметрларини аниқлаш учун иссиқлик техникасининг ўхшашлик назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратларида саноат айланма сувларини совитиш усули ишлаб чиқилган;

уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмасини иш шароити учун асосий параметрлари ҳавони тезлиги ва қатламни баландлигини этиборга олган ҳолда аниқланган;

айланма сувни ва ҳавони буғлатиб совитувчи учфаза мавҳум қайновчи қатламли қурилма ишлаб чиқилган;

тажриба натижаларини аппроксимациялаш усуллари асосида буғлатгичдан чиқувчи сувни ва нам ҳавони ҳароратларини аниқлаш учун аналитик ифода ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олинган аналитик ифодалар асосида уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратини ҳисоблаш учун усул ишлаб чиқилган;

уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмасида совутилган сувнинг ва буғлатиш камерасидан чиқаётган ҳаво параметрларини аниқлашга имкон берадиган алгоритми ва ЭҲМ учун дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий асосланган, замонавий математик моделлаш усулларида тўғри фойдаланилганлиги, олинган тажриба натижаларини, ҳисоблаш натижалари билан таққосланганлиги ва замонавий ўлчов асбоблари ёрдамида олинган қийматлар билан мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмаларида сувни берилган ҳароратгача совитишни таъминлаш, жараёнда кечадиган гидродинамик ва иссиқлик масса алмашиниш жараёнларини моделлаштиришва оптимал тавсифларни аниқлаш билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, мавҳум қайновчи қатламли кичик қувватли энергия тежамкор буғлатиб совитиш аппаратини яратиш, саноат корхоналарининг совитиш тизимини фойдали иш коэффициентини ошириш ва унинг кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритми билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмаси асосида:

мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш қурилмаси «O'zbekenergo» АЖ тизимидаги корхонага, хусусан «Qishloqenergoloyiha» АЖ биносини совитиш тизими учун жорий қилинган («O'zbekenergo» АЖнинг 2018 йил 9 июндаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада совитиш қурилмасига сарфланадиган электроэнергия қиймати 2,4 марта камайтириш имкониятини берди;

айланма сувларни ва нам ҳавонинг параметрларини аниқлаш усули ва алгоритми «O'zbekenergo» АЖ тизимидаги корхонага, хусусан «Qishloqenergoloyiha» АЖ биносини совитиш тизими учун жорий қилинган («O'zbekenergo» АЖнинг 2018 йил 9 июндаги ФМ-01-21/3533-сон

маълумотномаси). Натижада айланма сувларни ва нам ҳавонинг параметрларини аниқлик даражаси 15% оширилди;

мавҳум қайновчи қатламда кечадиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини моделлаштириш ва натижаларни қайта ишлаш усули «O'zbekenergo» АЖ тизимидаги корхонага, хусусан «Qishloqenergoloyiha» АЖ биносини совитиш тизими учун жорий қилинган («O'zbekenergo» АЖнинг 2018 йил 9 июндаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада мавҳум қайновчи қатламда кечадиган иссиқлик ва масса алмашинув жараёнларини аниқлик даражаси 95% етказилди;

икки босқичли уч фазали мавҳум қайновчи қатламли хавони бўғлатиб совутиш аппарати ишлаб чиқариш хоналарида микроклимат ҳосил қилиш хисоб-график усули «O'zbekenergo» АЖ тизимидаги корхонага, хусусан «Qishloqenergoloyiha» АЖ биносини совитиш тизими учун жорий қилинган («O'zbekenergo» АЖнинг 2018 йил 9 июндаги ФМ-01-21/3533-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш хонасининг хароратини 23-25 °С, нисбий намликни 40-60% эришиш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 12 та мақола, республика журналларида 10 та мақола чоп этилган бўлиб, 1 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома, 1 та ихтиро учун патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида ишни долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг илмий – амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли текшириши бўйича таҳлили”** деб, номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий - назарий изланишлар ва ўтказилган синов тажрибалар таҳлили келтирилган. Уч фазали мавҳум қайновчи қатламда гидродинамика ва иссиқлик масса алмашинуви жараёнларини характерловчи асосий параметрлари: мавҳум қайнаш бошланиш тезлиги, насадкани учуриб юбориш тезлиги, қатламда сувни тутиб қолиши, гидравлик қаршилик,

қатламини бўшлиғи ва мавҳум қайновчи қатламни баландлиги таҳлил қилинган.

Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли иссиқлик масса алмашиниш аппаратини айланма оқова сувларни совитишга ишлатиш масаласи кўрилган ва айланма оқова сувларни мавҳум қайновчи қатламда совутиш муаммоси ўрганилмаган деб, хулоса қилинган.

Айланма оқова сувларни совутиш муаммолари бўйича чоп этилган ишлар таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосага келинган; айланма оқова сувларни уч фазали мавҳум қайновчи қатламда совитиш долзарб мавзу.

«Уч фазали мавҳум қайновчи қатламни гидродинамик характеристикаларини текшириш учун қурилма яратиш» деб, номланган иккинчи боб уч фазали мавҳум қайновчи қатламни текширишга бағишланган. Тажрибалар 1-расмда кўрсатилган экспериментал қурилмада олиб борилган.



1-расм. Синов – тажриба қурилмасининг чизмаси.


Тажриба қурилмаси колоннадан (1), сув бериш ва чиқариш тизимидан ва ўлчов асбобларидан иборат. Қурилмани асосий элементи ишчи участкасидир. Ишчи участкаси мавҳум қайнаш жараёнини кўриб, кузатиб туриш учун диаметри 105мм, баландлиги 950мм бўлган шиша қувурдан тайёрланган. Ишчи участкани пастки қисмида бўшдиғи 40% эни 5 мм. узун тирқишдан иборат бўлган панжара (11) ўрнатилган. Панжара устига қаттиқ насадка, бўш шариклар (17) қўйилган. Тажриба вақтида 14 мм. ва 26 мм. диаметрдаги шариклар ишлатилган. Шарикларни учиб чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида ишчи участкани юқори қисмига бўшлиқ ҳажми 70 % бўлган панжара ўрнатилган. Мавҳум қайновчи қатламни ҳосил қилувчи газ сифатида атмосфера ҳавоси ишлатилган. Ҳаво вентилятор ёрдамида ишчи участкани

пастки қисмидан юборилади. Ҳаво узатиш қувурига стандарт диафрагма (b) ўрнатилган. Ҳаво сарфи вентиляторга ўрнатилган ўзгармас ток двигатели ёрдамида ростлаб турилади. Ишчи участканинг юқори қисмига сувни сачратиб берувчи мослама ўрнатилган. Сув ишчи участкага (14) босим берувчи бак орқали доимий сув сатҳи билан бериб турилади. Сув қувурига сув сарфини аниқловчи ротометр ўрнатилган. Сув ишчи участкадан пастки сув йиғувчи бакга тушади ва яна насос (3) ёрдамида юқори бакга юборилади. Ишчи участкани пастки панжарасини, насадкани тинч ҳолатдаги ва мавҳум қайнаш ҳолатидаги гидравлик қаршиликларини ва аппаратни қаршилигини ўлчаш учун (8,9) дифференциал манометрлар ўрнатилган.

Эксперимент шароитидан келиб чиқиб, сув олдиндан сув иситгич (19) да маълум бир ҳароратгача иситиб олинади. Ҳавони нисбий намлиги аппаратга киришда ва чиқишда психрометр ёрдамида ўлчанади. Ҳавони киришдаги ва чиқишдаги ҳароратлари шишали термометрлар ёрдамида ўлчанади.

Тажриба натижалари аппроксимацион йўл билан энг кичик квадратчалар усулидан фойдаланиб қайта ишланди.


Биринчи тажрибалар мавҳум қайнаш тезлигини W аниқлаш учун ўтказилади, бу тезлик биз томондан аппарат учун энг кичик тезлик деб, қабул қилинди.



2 – расм. Насадкаси қуруқ панжарани гидравлик қаршиликни ҳаво тезлигига боғлиқлик графиги.


2 – расмда пастки панжарани гидравлик қаршиликларини тезликка боғлиқлигини аниқлаш бўйича олинган натижалар келтирилган.

Графикда бошқа авторлар, Новиковни, ҳамда Бляхерни тенгламаси орқали олинган натижалари ҳам кўрсатилган. Тахлиллар шуни кўрсатадики бизни олган натижаларимиз, бошқа авторлар натижаларига мос келмоқда. Уч фазали мавҳум қайновчи аппаратнинг гидравлик қаршилиги, газни тезлигига, суғорилиш зичлигига, насадкани статик баландлигига, насадкани турига ва қатламни кенгайиш даражасига боғлиқ бўлган мураккаб функциядир.



3-расм. Уч фазали мавҳум қайновчи қатламда дифференциал босимни ҳаво тезлигига боғлиқлиги келтирилган ($H_0=100\text{mm}$)

3 – расмда уч фазали мавҳум қайновчи қатламни эгри чизигидан кўринадики қатламни кенгайиши икки фазали қатламга нисбатан бир мунча катта қаршилиқларда бошланади.



4- расм. Аппаратни қаршилиги ҳаво тезлигига ва суғорилиш зичлигига боғлиқлиги ва қуруқ насадкага солиштириш эгри чизиқлари кўрсатилган

4-расмда қатламни суғорилиш зичлиги ҳавони тезлиги ортиши билан қаршилиқ ортиши бошқа шунга ўхшаш шароитда ҳам тўғри чизиқ бўйича ортади.

Босим ортиб кетиши насадкаларда мавҳум қайнашга ўтиш вақтида катта миқдорда сувни тутиб қолиниши билан тушунтирилади.

Насадкаларни ҳаракатга келиш вақтидаги тезлик аппаратни кичик тезлиги деб олинди – $W'_{кр}$.


Дифференциал босим тезликка боғлиқ ҳолда 20-50 мм.суб.уст. тенг бўлган катталикда ўзгариб туради.

“Уч фазали мавҳум қайновчи қатламда сувни совуш жараёнини моделлаштириш” деб, номланган учинчи қисмда буғлатиб совутиш аппаратини иссиқлик ва материал баланслари келтирилган.

Материал баланси материяни сақланиш қонунига асосланиб тузилган, қайсики совутгичга кирувчи ($\sum G'_{вх}$) оқимлар, совутгичдан чиқувчи оқимлар ($G''_{вх}$) тенг.

$$\sum G'_i = \sum G''_i \quad (1)$$

Баланс тенгламасини (1) ёрдамида сув томчиларини учиб чиқиб кетиши кўзда тутилмаган.



5 – расм. Буғлатиб совутовчи аппаратни иссиқлик ва материал балансларини чизма тасвири

$G'_в - G''_в$ – ўз навбатида совитилувчи ва совиган сувларни сарфи.

$G'_{вв} - G''_{вв}$ – ўз навбатида аппаратга кирувчи ва чиқувчи нам ҳавони сарфи.

$\Delta G_{вв}$ – намлик оқими, совитилувчи сувдан нам ҳавога ўтувчи.

$I'_в - I''_в$ – ўз навбатида, совитилувчи ва совитилган айланма сувни энтальпияси.

$Q_{исп} - Q_{конв}$ – ўз навбатида, совитилувчи сувни нам ҳавога конвекция ва буғланиш йўли билан ўтувчи иссиқлик оқими.

Q^{δ}_{mn} – ён деворлар орқали ўтувчи иссиқлик оқими.

5 - расмга асосланиб материал баланс учун тенгламаларни ёзамиз.

$$\sum G_i' = G_e' + G_{ee}', \quad (2)$$

$$\sum G_i'' = G_e'' + G_{ee}''. \quad (3)$$

Нам ҳаво (G_{BB}) бу, сув буғи (G_{BP}) ва қуруқ ҳаво (G_{CB}) аралашмасидан иборат бўлгани учун асосан.

$$G_{ee}' = G_{ce}' + G_{en}', \quad (4)$$

$$G_{ee}'' = G_{ce}'' + G_{en}''. \quad (5)$$

Кўрилатган айланма сувларни буғлатиб совитувчи аппаратларда сув билан ҳаво орасидаги иссиқлик ва масса алмашилиш жараёни, қуритиш қурилмаларла ҳам қуритиш агент сифатида нам ҳаво ишлатилади, буғлатишга кирувчи ва чикувчи нам ҳавонинг қуруқ қисмини миқдори ўзгармасдан қолади, яъни:

$$G_{ce}' = G_{ce}''. \quad (6)$$

(6) тенгламани (4), (5) тенгламаларга олиб бориб қўйсақ ва олинганларни (2) ва (3) қўйсақ, (1) қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

$$\Delta G_e = \Delta G_{en} = \Delta G_{ee}, \quad (7)$$

бу ерда

$$\Delta G_e = G_e' - G_e''; \quad (8)$$

$$G_{en} = G_{en}'' - G_{en}'; \quad (9)$$

$$\Delta G_{ee} = G_{ee}'' - G_{ee}'. \quad (10)$$

Айланма сувларни совитувчи буғлатгичларда буғлатилган намлик ҳавога ўта қизиган ҳолатда ўтади. G_{BP} ни G_{CB} га нисбати нам ҳавони нам сақламини ифодалайди.

$$x = \frac{G_{en}}{G_{ce}}, \quad (11)$$

(4) ва (5) ифодаларни қуйидагича ёзиш мумкин

$$G_{ee}' = (1 + x')G_{ce}', \quad (12)$$

$$G_{ee}'' = (1 + x'')G_{ce}''. \quad (13)$$

G_{ce}' ва G_{ce}'' ифодаларида фойдаланиб, асосида қуйидагиларни олиш мумкин:

$$G_{ce}' = \frac{G_{ee}'}{1 + x'} = \frac{G_{ee}''}{1 + x''}. \quad (14)$$

Шундай қилиб (7) - (10) ва (12), (13) лар асосида қуйидаги ифодани ёзиш мумкин:

$$\Delta G_e = \Delta G_{en} = \Delta G_{ee} = G_{ce}'(x'' - x'), \quad (15)$$

бу ерда x' ва x'' — ўз навбатида буғлатувчи агентнинг (нам ҳавони) буғлатгичга киришдаги ва ундан чиқишдаги нам сақлами.

Иссиқлик баланс тенгламасини кўриб чиқилаётган буғлатгич учун, энергия сақланиш қонунига асосан ёзиш мумкин, яъни буғлатгичга кирувчи

ва ундан чиқувчи иссиқлик оқимларни (Q) энтальпияси (I) тенгдир. 3-расмга асосан

$$I'_e + I'_{ee} = I''_e + I''_{ee} + Q_{mn}^\delta \quad (16)$$

га асосан (16) баланс тенгламасига кирувчи ҳадларни қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$I'_e = G'_e c_{pe} t'_e, \quad (17)$$

$$I''_e = G''_e c_{pe} t''_e, \quad (18)$$

$$I'_{ee} = I'_{ce} + I'_{en}, \quad (19)$$

$$I''_{ee} = I''_{ce} + I''_{en}, \quad (20)$$

бу ерда

$$Q_{mn}^\delta = K_{mn}^\delta F_\delta (\bar{t}_{ee} - t_o), \quad (21)$$

$$I'_{ce} = G'_{ce} c_{pe} t'_{ce}, \quad (22)$$

$$I'_{en} = G'_{en} (r_0 + c_{pen} t'_{en}), \quad (23)$$

$$I''_{ce} = G''_{ce} (c_{pen} t''_{ce}), \quad (24)$$

$$I''_{en} = G''_{en} (r_0 + c_{pen} t''_{en}), \quad (25)$$

$$\bar{t}_{ee} = 0,5(t'_{ee} + t''_{ee}) \quad (26)$$

Совитгич баланлиги бўйича нам ҳавони ўртача ҳарорати: $r_0 - t=0^\circ\text{C}$ ҳароратдаги сувни буғланиш иссиқлиги; c_{pe}, c_{pen} – ўз навбатида, куруқ ҳаво ва сув буғини солиштирма иссиқлик сифими; t_o - атроф муҳит ҳарорати;

K_{mn}^δ ва F_δ – ўз навбатида иссиқлик узатиш коэффициенти ва буғлатгичнинг ён деворини иссиқлик алмашилиш юзаси.

(10) га асосан (23) ва (25) ўз навбатида қуйидагича ёзиш мумкин.

$$I'_{en} = G'_{ce} x' (r_0 - c_{pen} t'_{en}), \quad (27)$$

$$I''_{en} = G''_{ce} x'' (r_0 - c_{pen} t''_{en}). \quad (28)$$

(22) ва (23) ларни (19) га қўйсақ, G'_{ce} ва G''_{ce} (6) дагини ҳисобга олган ҳолда

$$I'_{ee} = G'_{ce} (c_{pe} t'_{ce} + x' c_{pen} t'_{en} + x' r_0) \quad (29)$$

$$I''_{ee} = G''_{ce} (c_{pe} t''_{ce} + x'' c_{pen} t''_{en} + x'' r_0) . \quad (30)$$

$$G'_e c_{pe} (t'_e - t''_e) + \Delta G_{en} c_{pe} t''_e = G'_{ce} [r_0 (x'' - x') + c_{pen} (x'' t''_{ee} - x' t'_{ee})] + 0,5 K_{mn}^\delta F_{mn}^\delta (t'_{ee} + t''_{ee} - 2t_o) \quad (31)$$

ҳосил бўлади.

Нам ҳаво таркибидаги сув буғлари ўта қизиган ҳолда эканини ҳисобга олсак, кўриб чиқиладиган ҳолат учун $t'_{ce}, t'_{ee}, t'_{en}, t_o$ ҳамда $t''_{ce}, t''_{ee}, t''_{en}$, яъни

$$t'_{ce} = t'_{ee} = t'_{en} = t_o, \quad (32)$$

$$t''_{c\epsilon} = t''_{\epsilon\epsilon} = t''_{\epsilon n} . \quad (33)$$

Шу қаторда (22) билан (23), кўрилаётган совитгич учун $x' = x_0$, (34) яъни буғлатгичга кирувчи нам ҳавони нам сақлами (x') атроф муҳит ҳавосини нам сақламига тенг (x_0).

(32), (34) ни (31)га қўйсақ $\Delta G_{\epsilon n}$ қийматини ҳисобга олган ҳолда (15) асосан қуйидагини оламиз

$$G'_\epsilon c_{p_\epsilon} (t'_\epsilon - t''_\epsilon) = G'_{c\epsilon} [(r_0 - c_{p_\epsilon} t''_\epsilon)(x'' - x_0) + c_{p_{\epsilon n}} (x'' t''_{\epsilon\epsilon} - x_0 t_0)] + 0,5 K_{mn}^\delta F_\delta (t'_{\epsilon\epsilon} + t''_{\epsilon\epsilon} - 2t_0) . \quad (35)$$

(15) асосан ва тенглик $t'_{\epsilon\epsilon}$ и t_0 , ҳамда x' ва x_0 кўрилаётган ҳолат учун (35) баланс тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

$$G'_\epsilon c_{p_\epsilon} (t'_\epsilon - t''_\epsilon) = \frac{G'_{\epsilon\epsilon}}{1 + x_0} [(r_0 - c_{p_\epsilon} t''_\epsilon)(x'' - x_0) + c_{p_{\epsilon n}} (x'' t''_{\epsilon\epsilon} - x_0 t_0)] + 0,5 K_{mn}^\delta F_\delta (t''_{\epsilon\epsilon} - t_0) \quad (36).$$

(36) ни t''_ϵ , нисбатан ечсак


$$t''_\epsilon = \frac{\frac{\mu}{1 + x_0} W''_{\epsilon\epsilon} \rho''_{\epsilon\epsilon} c_{p_\epsilon} - 0,5 \epsilon \alpha_{\text{конв}} (t'_\epsilon - t''_{\epsilon\epsilon} - t_0) - \frac{\alpha_{\text{исн}}}{Le_{\epsilon\epsilon}} \frac{x_{\text{исн}} - x}{c_{p_{\epsilon\epsilon}}} \frac{\rho_{c\epsilon}}{\rho_{\epsilon\epsilon}} \epsilon r_0}{\frac{W''_{\epsilon\epsilon} \rho''_{\epsilon\epsilon}}{1 + x_0} (\mu - x'' + x_0) + 0,5 \epsilon \alpha_{\text{конв}}} \quad (37)$$

(36) ни $t''_{\epsilon\epsilon}$, нисбатан ечсак

$$t''_{\epsilon\epsilon} = \frac{\frac{W'_{\epsilon\epsilon} \rho'_{\epsilon\epsilon}}{1 + x_0} [c'_{p_{\epsilon\epsilon}} t_0 - (r_0 - r'_\epsilon)(x'' - x_0)] + 0,5 \epsilon \left[\alpha_{\text{конв}} (t'_\epsilon - t''_\epsilon) - \left(\alpha_{\text{конв}} - \frac{a}{\epsilon} K_{mn}^\delta \right) t_0 \right]}{\frac{W'_{\epsilon\epsilon} \rho'_{\epsilon\epsilon} c'_{p_{\epsilon\epsilon}}}{1 + x_0} + 0,5 \epsilon \left(\alpha_{\text{конв}} + \frac{a}{\epsilon} K_{mn}^\delta \right)} \quad (38).$$

Диссертацияни “Айланма сувларни совуш жараёнини экспериментал текшириш ва уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитувчи қурилмани иссиқлик энергетик таснифлари” деб номланган тўртинчи қисмида кўриб чиқиляётган буғлатгичда реал шароитда олинган тажриба натижаларини моделлаштириб олинган натижаларга мос келиши текширилган.


Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли тажриба қурилмасининг баёни диссертациянинг иккинчи қисмида тўлиқ ёритилган. Иссиқлик жараёнларини ўрганиш учун (19) сув иситгич уланган. Шу иситгич ёрдамида буғлатгичга кирувчи сувни ҳароратини градирняларга кирувчи t'_ϵ ҳароратлари билан тенглаштириб бериб туриш мумкин. t'_ϵ аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар қатламни сув билан суғорилиш коэффициенти $\mu = \frac{G'_\epsilon}{G_{c\epsilon}}$ боғлиқлиги μ ни қийматлари 0,4 дан 0,65 гача ва намлик 0,3-0,5 гача оралиқда текшириш натижалари келтирилган.



6-расм. $t'' = f(\mu)$ боғлиқлиги $t_0 = 25$ °C бўлганда ва ўз навбатида $\varphi_0 = 0,3...0,4$

6-расмда t'_e аниқлашда μ ва φ_0 боғлиқ, холда $W'_{es} = 2,5$ м/с; $t'_e = 42$ °C: да тажриба йўли билан олинган қийматларни ва ҳисоблаш йўли билан олинган қийматларни мослигини текшириш натижалари кўрсатилган. 6-расмдан кўринадики, μ ва φ_0 ортиши, кутилганидек t''_e ортишга олиб келади, яъни совиш ҳароратини ошишига олиб келади.


Масалан, агар $\varphi_0 = 0,3$ ва $\mu = 0,4$ бўлса $t''_e = 25,6$ °C, $\varphi_0 = 0,3$ бўлса μ ни 0,4 дан 0,6 гача ўзгариш t''_e ни 1,4 °C га оширади. Тажриба ва ҳисоблаш йўли билан олинган натижаларни (1,0 - 1,5 °C) га фарқ қилади. Буни тажриба вақтида атроф муҳит, яъни ҳавони параметрларини ўзгариб туриш натижасида (φ_0 ни асосан) деб тушунтириш мумкин.



7-расм. $t'' = f(t_0)$ боғлиқлигини $W'_e = 3$ м/с; $\mu = 0,3; \dots t'_e = 40$ °C: 1, 2 ўз навбатида $\varphi_0 = 0,3; \dots 0,4$


7- расмда t_e'' аниқлаш бўйича тажриба натижалари t_e' ни атроф муҳит ҳароратга боғлиқлиги. $\varphi_o = 0,3$ и $0,5$ $W = 3,0 \text{ м/с}$, $\mu = 0,3$, $t_e' = 40^\circ\text{C}$ бўлган шароитда.

Ўлчашлар натижасига кўра, $\varphi_o = 0,3$ да $t_o = 30^\circ\text{C}$ - 38°C гача ортганда t_e'' 26°C дан 32°C гача ортиши мумкин. $\varphi_o = 0,5$ да $t_o = 30^\circ\text{C}$ да 38°C гача ортиши t_e'' $1,5^\circ\text{C}$ ни ташкил этади. Бу ҳолда ҳам тажриба ва ҳисоблаш йўли билан олинган натижалар орасида унча катта бўлмаган фарқ бор. Бу фарқлар ҳам юқоридаги ҳолат каби φ_o ўзгариб туриши билан боғлиқ ўртача 4-6 % ларга фарқ қилади.



8-расм. $t_e'' = f(\varphi_o)$ боғлиқлиги $W_{\text{св}}' = 2,8 \text{ м/с}$; $\mu = 0,35$; $t_e' = 38^\circ\text{C}$: **1** ва **2** – ўз навбатида $t_o = 30; \dots 35^\circ\text{C}$ бўлганда

8 - расмда t_e'' ни φ_o га боғлиқлигини $W = 2,8 \text{ м/с}$, $\mu = 0,35$ ва $t_e' = 38^\circ\text{C}$ бўлганда тажриба натижаларини ҳисоблаш натижаларига солиштириш натижалари келтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, t_e'' ни φ_o га боғлиқлиги деярли тўғри чизик бўйича боғлиқ. Масалан, $t_o = 35^\circ\text{C}$ ва $t_e' = 38^\circ\text{C}$ $\varphi_o = 0,3$ дан $0,6$ ошиши $t_e'' = 30,5$ дан 32 , яъни $\varphi_o = 0,1$ га ошиши $t_e'' = 0,5^\circ\text{C}$ ортишига олиб келади.



9-расм. $t_M = f(i_{ВВ})$ тўйинган нам ҳаво энтальпиясига боғлиқлиги

9-расмда t_M ни аниқлаш бўйича ҳисоблаш натижалари график усулида келтирилган. ($B = 715$ мм.см.уст. учун Тошкент шаҳрига тегишли) амалий ҳисобларда қулайлик яратиш учун t_M ни 0°C дан то 40°C гача бўлган ораликда аниқлашни график кўринишида келтирилган.

$$t_M = \sqrt[3]{i}(0,0016 + 0,0199\sqrt[3]{i}) - 9,3542, ^{\circ}\text{C}; \quad (39)$$

$$0 \leq t_M \leq 13^{\circ}\text{C}$$

$$t_M = 1,3051\sqrt[3]{i} - 30,8238, ^{\circ}\text{C}; \quad (40)$$

$$13^{\circ}\text{C} \leq t_M \leq 33^{\circ}\text{C}$$

$$t_M = 1,2081\sqrt[3]{i} - 26,1548, ^{\circ}\text{C} \quad (41)$$

$$33^{\circ}\text{C} \leq t_M \leq 45^{\circ}\text{C}.$$

Нисбий хатолик максимум $\pm 0,4\%$.

$i_{ВВ}$ ни t_o ва φ_o га боғлиқлиги $0 \leq t_M \leq 40^{\circ}\text{C}$, $0 \leq \varphi_o \leq 1$ и $680 \leq B \leq 760$ мм.см.уст. орасидаги боғлиқлиги диссертация иловасида келтирилган.

Олинган аппроксимацион t_M да (39) – (41) тенгламаларни ишончлилигини $i - d$ диаграммасидан фойдаланиб текшириш мумкин.


Масалан $t_o = 30^{\circ}\text{C}$ ва $\varphi_o = 0,25$ бўлсин, $i_{ВВ}$, диаграмма бўйича $48000 \frac{\text{Дж}}{\text{кг}}$, $t_M = 17^{\circ}\text{C}$. $i_{ВВ}$, қиймати $t_o = 30^{\circ}\text{C}$ ва $\varphi_o = 0,25$ бўйича $48126,6 \frac{\text{Дж}}{\text{кг}}$.

t_M , қиймати (40) бўйича $16,64^{\circ}\text{C}$, $2,16\%$ га фарқ қилади. Бундай фарқ чиқишини сабаби унчалик катта бўлмасада, лекин ҳисобларни натижаси $i - d$ диаграммасига яқин.

Бундай усул билан олинган t_M ни қиймати буғлатиб-совутиш аппаратини самарадорлигини аниқлашга имкон беради.

Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совитиш аппаратларида, замонавий аппаратларга нисбатан буғланиш жараёнини жадаллиги ҳисобига совитилувчи сувни ҳароратини, нам ҳавони тўйиниш ҳароратидан $1,2 \div 1,5 \text{ } ^\circ\text{C}$ га юқори ҳароратгача совитиш имконини беради.

Республикамизда ёзги қуруқ иссиқ иқлим шароитида, уларни ҳавони мўътадиллаш тизимларида ишлатиш мумкин. Буғлатиб совитиш қурилмаларини ҳавони мўътадиллаш тизимларида кенг ишлатишда, уч фазали мавҳум қайновчи қатламли регенератив иссиқлик алмашиниш аппаратини қўллаш, ишлатилган нам ҳаводан табиий совуқлик олиш учун фойдаланиш имконини беради.



10-расм. Ҳавони буғлатиб совитиш усули қурилмасини чизма тасвири

(16-20) тенгламаларни ечиш натижасида олинган қийматлар 10-расмдаги нуқталарга мос натижалардир.

Ташқи муҳит ҳарорати $t'_o = t_o = 37,7 \text{ } ^\circ\text{C}$ $\phi'_o = \phi_o = 0,22$ ва $i'_o = i_o = 62413,8 \frac{\text{Дж}}{\text{кг}}$, бўлган ҳаво (1) буғлатгичига киради ва ундан чиқишда $t = 24,24 \text{ } ^\circ\text{C}$, ва $0,75$ бўлган $\phi = 0,82$ бўлган ҳолда самарадорлиги (3) айланувчи регенератив иссиқлик алмашинуви аппаратларига киради. Ундан $t''_o = 29,34 \text{ } ^\circ\text{C}$ ва нисбий намлиги $0,61$ чиқади.

Хона ҳавоси 31°C ва нисбий намлик $\varphi = 0.32$ намлик билан айланувчан регенератив иссиқлик алмашиниш аппаратига берилади ва ундан чиқишда 26°C ва нисбий намлик $\varphi = 0.41$ билан чиқади. Ҳаво шу параметрларда иккинчи буғлатгичга берилади ва ундан чиқишда 18.9°C ва нисбий намлик $\varphi = 0.89$ энтальпияси 51916.76 Дж/кг намлик билан чиқади ва хонага берилади.

Бундан кўринадики, айланувчан регенератив иссиқлик алмашиниш аппаратларини икки босқичли мавҳум қайновчи қатламли буғлатиб совутиш қурилмасида, ҳавонинг солиштира энтальпияси $62413,87 \text{ Ж/кг}$ да $51916,76 \text{ Ж/кг}$ гача суъний совутиш агентларисиз туширилди.

Бу схема “Ҳавони буғлатиб совутиш” келгусида қўллаш учун асос қилиб олинган ва Ўзбекистон Республикаси патенти № IAP 05286 19.09.2016 йилда олинган.

ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Саноат корхоналарини айланма сувларини қўзғалувчан қаттиқ насадкали мавҳум қайновчи қатламда совутиш» илмий иш натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Уч фазали мавҳум қайновчи қатламда айланма сувларни совитиш жараёнини такомиллаштириш ва уни реал шароитдаги қувватини аниқлаш учун тажриба қурилмаси яратиш имконини берган.

2. Ушбу қурилмада совитилган сувни ҳароратини ўлчаш бўйича экспериментал текширишлар таҳлили асосида ва уларни учинчи бўлимда олинган ҳисобий натижалар билан таққослаш математик моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, тажриба ва ҳисобий натижалар бир-бирига мос келганлиги, тажриба – текширувлар ишончлилигини аниқлаш имконини берган.

3. Айланма сувларни уч фазали мавҳум қайновчи қатламда буғлатиб совитиш жараёнини математик модели ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган математик моделни тадбиқ этиш натижасида совитилувчи сувни ва буғлатгичдан чиқувчи ишлатилган нам ҳавони ҳароратлари $\varphi, \mu, W, t_o, t_e$ боғлиқлигини аниқлаш имконини яратган.

4. Буғлатгичдан чиқувчи ҳавони (t_{oe}) ва сувни (t_e) ҳароратларини ЭХМда ҳисоблаш учун алгоритм ва дастур ишлаб чиқилган.

5. Тажриба орқали айланма сувларни буғлатиб совитиш қурилмасини энергетик коэффицентини, қатламни суғорилиш коэффицентига тўғри чизиқли боғлиқлиги аниқланди. Айланма сувларни совитувчи буғлатгичдан буғланиб чиқиб кетувчи намликни миқдори совитилувчи сувни киришдаги ҳароратига ва қатламни суғорилиш коэффицентига боғлиқлиги аниқланган.

6. Уч фазали мавҳум қайновчи қатламли буғлатгич камераси ва айланувчан регенератив иссиқлик алмашилиш аппаратидан ташкил топган ҳавони буғлатиб совутиш усули таклиф этилган қурилманинг амалиётга тадбиқ этилишидан олинадиган умумий иқтисодий самарадорлик ошишига ва энергия сарфини камайтириш имкони яратилган.

Ҳавони буғлатиб совитиш усули таклиф этилган қурилманинг амалиётга тадбиқ этилишидан олинадиган умумий иқтисодий самарадорлик бир йилда битта кондиционер учун 3,9 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc 27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ

ИСАХОДЖАЕВ ХАЙРУЛЛА СУННАТУЛЛАЕВИЧ

**ОХЛАЖДЕНИЕ ОБОРОТНОЙ ВОДЫ ПРОМЫШЛЕННЫХ
ПРЕДПРИЯТИЙ В ПСЕВДООЖИЖЕННОМ СЛОЕ С ТВЕРДОЙ
ПОДВИЖНОЙ НАСАДКОЙ**

05.05.04 - Промышленная теплоэнергетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за № В2017.3.PhD/413

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Захидов Ромен Абдуллаевич
доктор технический наук, профессор,
академик

Официальные оппоненты:

Искандаров Зафар Самандарович
доктор технический наук, профессор

Короли Мехрия Анваровна
кандидат технический наук, доцент

Ведущая организация:

АО «Теплоэлектропроект»

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно – технический центр». (Адрес: 100095, г.Ташкент ул. Университетская 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32 e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - ____). Адрес 100095, Ташкент, ул Университетская 2 Тел. (99871)246-03-41

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__от «___» _____ 2018 года).

К.Р. Аллаев

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик

О.Х. Ишназаров.

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., с.н.с.

Д.Н.Мухиддинов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ. (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На мировом уровне научные исследования, направленные на повышение энергоэффективности производственных процессов и снижение расхода электрической энергии на охлаждение технологического оборудования промышленных предприятий и применение испарительных охладителей воздуха с псевдооживленным слоем в системах кондиционирования воздуха в жилых помещениях, производственных объектах имеют важное значение. Эти проблемы характерны и для развитых стран, где «широкое применение в промышленных предприятиях градирен позволяет до 95 % сократить потребление подпиточной воды».¹ В этой связи в мировой практике интенсивными темпами применяются испарительные охладители с псевдооживленным слоем для охлаждения воды до температуры насыщения воздуха и в свою очередь уделяется особое внимание на развитие данной сферы.

В мире особое внимание направлено на решение проблемы интенсификации процессов тепло- и массообмена при охлаждении оборотной воды. В связи с этим в системах оборотного водоснабжения и системах кондиционирования воздуха перспективным является модернизация и улучшение конструктивных, режимных параметров аппаратов путем использования принципов псевдооживленного слоя, сокращение размеров, ресурсов, усовершенствование конструкции испарительных охладителей в псевдооживленном слое позволяет обеспечить охлаждение воды до температуры насыщения воздуха, в целом определение оптимальных параметров энергосберегающих охладителей оборотной воды является актуальным.

В настоящее время особое внимание уделяется развитию и обновлению технологического оборудования энергетической отрасли, которое является одним из основных направлений экономики республики на основе современных требований, в том числе модернизация системы охлаждения оборотной воды и системы кондиционирования воздуха. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены задачи «... сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий»². Реализация этих положений, в том числе по повышению эффективности использования принципов трехфазного псевдооживленного слоя для охлаждения оборотной воды и систем кондиционирования воздуха считается одной из важнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № ПК – 2343 от 5 мая 2015 года «О программах сокращения использования энергии и внедрения энергосберегающей технологии в отраслях экономики и социальной сфере на

2015 – 2019 годы» и № ПП – 3379 от 8 ноября 2017 года «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов», а также других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан II «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. До настоящего времени научные исследования, направленные на изучение расчетов гидродинамической характеристики трехфазного псевдооживленного слоя и систем кондиционирования воздуха, проводились в мировых ведущих научных центрах и в высших учебных заведениях, таких как Institute of Hydraulic Engineering and Water Resources Management (Германия), Polytechnic University of Turin, Sapienza University of Rome (Италия), Национальный исследовательский университет «МЭИ», Санкт-Петербургский государственный политехнический университет (Россия), Ташкентский государственный технический университет, Каршинский инженерно-экономический институт, Фарганский политехнический институт (Узбекистан).

В решение теоретических и научных проблем исследования интенсификации процессов тепло-массообмена внесли вклад выдающиеся ученые В.А. Гладков, В.С. Понамаренко, Ю.И. Арефьев, В.Б. Андрианов, Л.Д. Берман, А.Г. Лаптев, В.И.Новиков, Н.И. Гельперин, N.G. Deen, J. Nikuradse, D.G. Kroger, Reinhard Billet, Michael Beckmann, Kenzo Kitamura, Susumu Noda, Naruse Ichiro, которые достигли значительных теоретических и практических результатов в решении проблемы энерго- и ресурсосбережения, повышении энергетической эффективности производства, а знаменитыми узбекскими учеными Р.А. Захидовым, Н.Р. Юсупбековым, А.А. Аскарковым, Р.Р. Авезовым, Д.Н. Мухиддиновым, С.М. Турабджановым и другими были выполнены работы в области создания технологии и повышения эффективности интенсификации тепло-массообменных процессов. Несмотря на существенные достижения, предложенные уравнения для расчета гидродинамических режимов работы трехфазного псевдооживленного слоя, обладает малой точностью и показывают существенное расхождение с опытными данными, а также проблема охлаждения оборотной воды практически не изучена. В данной работе проанализированы гидродинамический и тепловые процессы, определены оптимальные параметры режима работы установки для систем кондиционирования воздуха, разработана математическая модель для определения параметров охлаждаемой воды и влажного воздуха, рассмотрены задачи совершенствований режима работы установки и предложено их решение.

